

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
КАМОЛИДДИН БЕХЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ
РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

**ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИНИ
УМУМЛАШТИРИШ**

**фанининг
ЎҚУВ ДАСТУРИ**

Билим соҳаси: 200 000 – Гуманитар фанлар ва санъат.
Таълим соҳаси: 210 000 – Санъат
Таълим йўналиши: 5A210204 – Тасвирий санъат тарихи ва назарияси

Кириш

“Илмий тадқоқот натижаларини умумлаштириш” фани бўйича тузилган ушбу намунавий дастур ДТС талаблари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Республикамизда бадиий таълим ислохотларини янада чуқурлаштириш, малакали мутахассис санъатшунос кадрлар тайёрлаш борасида уларнинг касбий хусусиятларни ривожлантирувчи, шунингдек, иқтидорли, ижодкор санъатшунос-танқидчи кўникмаларини ўзида намоён қилувчи ва илмий ишга қизиқиш уйғота олувчи, ўз йўналишини топишда, айниқса илмий иш асослари таҳлилини ўргатувчи фан сифатида зарурят катта.

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институтининг санъатшунослик йўналишига оид магистрлик мутахассисларига ўқитиш жараёнида тасвирий-амалий санъат назарияси, тарихи ҳамда санъатшуносликнинг замонавий мавзуларини ўзида мужассамлаштирган ўқув дастурлари асосида олиб борилади. Ўқув жараёнининг асосий қисмида тингловчилар илмий тадқиқот амалиёти, ишлаб чиқариш амалиётини ўтайдилик ва тегишли тартибда санъатшунослик йўналишига оид магистрлик мутахассисликларига тегишли академикдаражаларга эга бўлиш учун магистрлик диссертациясини тайёрлайдилар ва химоя қиладилар. Магистрлик диссертациясини ёзиш ва уни химоя қилиш жараёни магистратурада ўқишнинг асосини ташкил этувчи, энг масъулиятли ва мураккаб жараён саналади.

Ўқув фанинг мақсад ва вазифалари

Илмий тадқоқот натижаларини умумлаштириш ўрганишдан мақсад ва вазифаси танланган мутахассислиги бўйича магистрнинг назарий ва амалий билимларини чуқурлаштириш, ўз соҳасини етук мутахассиси бўлиб етишиш, магистрлик диссертацияси бўйича танланган мавзусига доир материалларназарий жихатдан умумлаштира олиш салоҳиятини намоён этишдир. Шунингдек магистрлик магистрлик диссертациясини тайёрлаш жараёнида мавзуни умумий тараққиёт жараёнидан ажратиб олмаган ҳолда мавзуни назарий-таҳлилий ҳал этишга, тўплаган материалларни умумлаштира олишга ўргатиш.

Фан бўйича талабаларнинг билимига, малака ва кўникмасига қўйиладиган талаблар

Билим, малака ва кўникмаларга эга бўлиш учун талабалар куйидагиларни ўзлаштириши лозим:

- илмий – тадқиқод натижаларини умумлаштириш ишларининг тур ва жанрларини, оқим ва йўналишларни , асосий тушунчаларини, тадқиқод услубларини турига хос бўлган технологик жараёнларни билиши;
- йиғилган материалларни илмий умумлаштириш таҳлил этиш ва шулар асосида илмий, илмий оммабоп мақола ва тадқиқодлар олиб бориш ва ёзиш;

- тасвирий ва амадий санъат асарларини тўғри илмий таҳлил эта олиш;
- соҳа юзасидан бирор мавзуда мустақил илмий тадқиқот олиб бора олиш;
- илмий тадқиқот усуллари ривож: асосий босқичлари- ибтидоий, антик, ўрта асрлар, янги ва энг янги давр: санъати жараёнлари хусусиятлари ва таниқли намоёндаларини, жаҳон цивилизацияси тарихида ўзбек санъати маданиятини ўрнини *билиши керак*.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатидан узвий кетма-кетлиги

“Илмий тадқиқот натижаларини умумлаштириш” асосий ихтисослик фани ҳисобланади. Мазкур фанни ўрганишда ўқув режасида кўрсатилган гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар(Ўзбекистон тарихи, Маданиятшунослик), умумқасбий фанлар(Жаҳон ва ўзбек адабиёти тарихи, Умум санъати тарихи) Санъатшунослик асослари фанлардан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлик талаб этилади.

Фанни санъат тизимидаги ўрни.

“Илмий тадқиқот натижаларини умумлаштириш” фани санъатшунослигининг ажралмас қисми бўлиб шу йўналишдаги фанларни янада мукамал ва чуқурроқ ўзлаштирилишига кўмаклашади. Талаба шу санъат ичида яшайди ва санъат моҳиятини уни ичидан ўрганади. Бу ҳол уни ўзгалар санъатини янада яхшироқ ва тўғри тушунишига хизмат қилади. Санъатшунослик фанларини чуқур ўзлаштирилиши эса мамлакат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожига алоҳида ўринни эгаллаб Ўзбекистон маданиятини жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини белгилашда, унинг салоҳиятини кўтаришга хизмат қилиб бадиий таълим, экология, туризм ривожига муҳим ўринни ташкил этади. Ўзбекистон Президентининг Ўзбекистон Бадиий Академиясини ташкил этиш ҳақидаги фармони, музейлар фаолиятини яхшилаш, халқ хунармандчилигини ривожлантиришга қаратилган тадбир ва кўрсатмалари шундан далолат беради.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар.

Талабалар “Илмий тадқиқот натижаларини умумлаштириш” ўқув фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларида фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни тадбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув қўўланмалар, маърузалар матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стендлардан фойдаланилади.

Асосий қисм
Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни
“Илмий тадқиқот натижаларини умумлаштириш” фанининг
предмети, мақсади ва вазифалари.

Магистрлик диссертацияси мустақил илмий тадқиқот бўлиб, унинг асосида санъатшунослик соҳасидаги мавжуд муаммоларни илмий жихатдан ўрганиш ва умумлаштириш ётади. Магистрлик диссертацияси унинг муаллифи мустақил илмий изланиш олиб боришга ўрганганлиги, касбий муаммоларни тушуниш ва уларни ҳал қилишнинг энг умумий усулларини ва йўл-йўриқларини билишидан далалат беради.

Тадқиқот вазифаларини очиқ ажратиб олиш мақсадида уларни ечиш усулларини билиш магистрантни мавзу бўйича ахборот тўплаш, уни умумлаштириш асосида хулоса чиқариш кўзда тутилади.

Магистрлик диссертацияси малакавий иш бўлиб, назарий аҳамияти, мавзусининг долзарблиги ва олинган натижаларнинг амалий аҳамиятигагина эмас, балки умумий услубий тайёргарлик даражаси ва расмийлаштирилишига кўра ҳам баҳоланади.

Магистрлик диссертацияси ёзишнинг энг муҳим босқичи илмий тадқиқотнинг ўзаро узвий алоқадаги барча асосий вазифавий элементларини қамраб олган бўлажак диссертацион тадқиқотнинг кампазицион тузилишини ишлаб чиқишдир.

Илмий тадқиқот мавзусини кампазицион қурилиши қуйидаги вазифа ва жихатларни ўз ичига олади:

1. Тадқиқ қилинаётган муаммонинг ҳозирги ҳолати шарҳи.
2. Илмий тадқиқот мавзуларининг долзарблигини исботлаш.
3. Тадқиқот мақсади ва вазифаларини тарифлаш.
4. Илмий изланиш обектини аниқлаш.
5. Ўтказиладиган тадқиқот предметини аниқлаш.
6. Мавзу бўйича чет эллардаги ҳозирги ҳолат таҳлили.
7. Илмий тадқиқот услубини танлаш.
8. Тадқиқот материалларини тўплаш, қайта ишлаш, давр ва услубини аниқлаш.
9. Тадқиқотнинг илмий янгилигини исботлаш.
10. Тадқиқотнинг амалий аҳамиятини аниқлаш.
11. Тадқиқот натижаларини амалиётдан ўтказиш жараёни.
12. Тадқиқ қилинаётган таклифларнинг фойдалилигини аниқлаш.

Магистрлик тадқиқотининг кампазицион тузилиши диссертациянинг турли бўлимлари, ўрганилаётган материаллар, хулосаар, тавсиялар ва диссертациянинг якуний қисми мазмунининг мантикий жихатдан ўзаро боўланишига имкон яратади. Диссертация кампазицион тузилишининг энг асосий тамойили материалларни аниқ ва изқил баён этишдир. Боблар мазмуни

туғалланган ва кўзда тутилган мақсадга эришишга йўналтирилган бўлиши керак.

Магистрлик диссертацияси тартибий тузумида қуйидагилар айрим ҳолда берилади:

- диссертациянинг титул варағи;
- диссертация мазмунининг мундарижаси;
- кириш;
- диссертациянинг асосий қисми (боблар, параграфлар);
- хулоса (резюме, тавсия ва таклифлар);
- фойдаланилган адабиётлар рўйхати (библиография);
- иловалар.

Муаллиф магистрлик диссертациясида олинган ахборотни матн ва кўргазмалар материал шаклида бериш орқали у ёки бу ҳолатнинг илмий ва амалий аҳамиятини асослайди.

Магистрлик диссертацияси мазмуни магистрнинг ўзи танлаган соҳа бўйича ахборотдан хабардорлиги ва илмий адабиётларни билиш даражасига боғлиқдир. Фанлар ва мавзуларга доир каталоглардан фойдаланишда магистрант бевосита ўз мавзусига алоқадор адабиётларинигина эмас, балки мазкур мавзуга яқин назарий муаммоларни ёритувчи адабиётларни ҳам ўрганади. Каталогларни кўриб чиқиш ва ўрганиш билан бир қаторда магистрант илмий тадқиқот мавзусига доир ўз картотекасини ҳам тузади. Мазкур картотекада муаллиф ва китобнинг номи, нашр йили, нашриётчи, ҳажми, манбанинг қисқа мазмуни ифодаланади. Ишни шу тарзда ташкил қилиш магистрантга ўз билимини чуқурлаштириш ва мазкур мавзуга доир адабиётлар бўйича тасаввур ҳам қилиш имкониятини беради. Библиографик материаллар таҳлил қилиниб, диссертациянинг биринчи бобига асос сифатида киритилади.

Титул варағи диссертациянинг биринчи варағи ҳисобланади ва касбий кодлар асосида тўлдирилади. Титул варағидан кейин диссертациянинг мундарижаси жойлаштирилади. Мундарижада боблар, параграфлар ва барча бошқа қисмлари асосий матндаги сарлавҳалар ва бет рақамларидан бошқача шаклда ёки изчилликда ёхуд қисқартириб берилиши мумкин эмас. Мундарижадаги сарлавҳалар асосий матндаги сарлавҳалар билан бир хилда бўлиши шарт. Демак, боблар ва параграфлар номи, шунингдек, уларнинг изчиллиги диссертация матни билан тўлиқ мос келиши шарт.

Киришда мавзунинг долзарблигини асослаш, магистрлик диссертациясида кўриб чиқиладиган муаммолар, мақсад ва вазифалар акс эттирилиши керак. Ушбу маълумотлар магистрлик диссертациясининг барча қисмларида бирхилдаги изчилликда бўлиши шарт. Магистрлик диссертациясининг кириш қисмида қуйидагилар берилади:

- тадқиқот мавзусининг долзарблиги;
- магистрлик диссертациясининг мақсад ва вазифалари;
- муаммоларнинг ишлаб чиқиш даражаси;
- тадқиқотнинг илмий янгилиги;
- тадқиқот предмети;

- тадқиқот объекти;
- амалий аҳамияти.

Биринчи бобда мавзунинг умумий назарий масалалари, магистрлик диссертацияси ишлаб чиқиладиган ташкилот, муассаса, корхона ва бирлашмалар ижодига доир маълумотлар берилади. Мазкур бобда қуйидаги парагрифлар ўзаро мантикий изчилликда берилади;

- тадқиқот объектининг функциялари, вазифалари ва соҳаси;
- ташкилий тузилма, бошқарқв тизими, унинг ташқи ва ички алоқаларининг ўзига хослиги;
- тадқиқот объектининг техник – иқтисодий кўрсаткичлари;
- тадқиқот объектида мавжуд камчилик ва муаммолар;
- муқобил вазифаларни назарий ва амалий ҳал этишнинг умумий қоидалари.

Иккинчи бобда кўрилатган масаланинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинади, тингловчининг амалиёт даврида тўплаган материаллари асосида тадқиқот объектида мавжуд камчиликларни йўқотишга қаратилган таклифлар ва тавсияларни асослаши керак. Таҷриба орттириш вақтида йиғилган ҳамда тадқиқот жараёнида таҳлил қилинган материаллар тингловчига ҳал қилинмаган масалаларни, муаммоларни аниқлаш ва шунга мувофиқ хулоса чиқариш инкони беради. Шундай қилиб, иккинчи боб магистрлик диссертацияси мазмунининг асосий ғоясини ифодалайди.

Учинчи бобда муаллиф томонидан ўрганиб чиқилган материаллар асосида тадқиқот объекти ташкилий тузилмасининг энг мақсадга мувофиққурилиши далиллар ёрдамида асослаб берилади, шунга мос жадваллар тавсия этилади, такомиллаштириш йўллари таклиф этилаётган қарорларнинг иқтисодий самарадорлиги аниқланади.

Хулоса қисми магистрлик диссертацияси умумий ҳажмининг 10-15 фоизини ташкил қилади. Диссертациянинг айрим боблари ҳам хулосалар ва таклифлар билан тугалланиши мумкин, аммо улардан энг муҳимлари ишнинг охирида, яъни хулоса бўлимида акс эттирилиши керак.

Магистрлик диссертацияси мазмунига кўра қуйидаги масалаларни камраб олиши керак:

- танланган мавзунинг назарий аҳамияти, долзарблиги ва уни корхона, муассаса ва ташкилотларда амалий қоллаш;
- муаммо, унинг махсус адабиётларда ишлаб чиқилиш даражаси ва амалий ҳал қилиш усуллариининг берилиши;
- тадқиқот объектидаги мавжуд ҳолатни баҳолаш ва муаммони ҳал қилишнинг асосий йўналишлари бўйича хулосалар чиқариш;
- қабул қилинган қарорни иқтисодий асослаш;
- тадқиқот натижаларини тадбиқ этиш бўйича таклифлар бериш.

Магистрлик диссертациясига қўйиладиган асосий талаб баён этишнинг изчиллиги ва диссертация қисмларининг ўзаро узвий боғлиқ бўлишидир. Диссертация тузилмаси мазмуни магистрлик тадқиқотининг асосий мақсадини ёритишга қаратилиши керак. Изчилликни бузадиган, кейинги натижаларга алоқаси бўлмаган материаллар диссертациямтнига

киритилмаслиги керак. Баъзи материаллар диссертациянинг охирида илова сифатида берилиши мумкин. Магистрлик диссертацияси типография талабларига мос равишда муковаланади.

Магистрлик диссертациясининг умумий ҳажми компьютерда 1,5 интервалда ёзилган, 60-80 бетдан бўлиши керак. Қўлёзма матнини компьютерда териш жараёнида кетма-кетлик бузилмаслигига жиддий эътибор бериш керак. Матннинг тугалланмаган қисмларини бошқа бетларга ман этилади. Янги фикрни ифодаладиган жумлалар хат бошидан ёзилади. Агар матнда чет келтирилган сўзлар, қўшумчалар ёки гаплар бўлса, улар аслида тўғри ҳолда тўлалигича ёзилиши керак.

Магистрлик диссертациясида рақамли материаллар жадвал шаклида берилади. Мазмуни жихатдан улар аналитик ва иш жадвалларига бўлинади. Аналитик жадваллар ўрганилаётган муаммони ёритиб берувчи умумий хулосалар ёки шарҳларни талаб этади. Магистрлик диссертациясида аналитик материалнинг кўп бўлиши маълум даражада магистирнинг ўзи тадқиқ қилаётган муаммони тушуниш даражасини кўрсатади. Статистик материалдан эса матнда бор материал шарҳлаб бериш учунгина фойдаланилади.

Қайси манбадан олганлигини кўрсатмасдан туриб матбуотда чоп этилган мавзулардан фойдаланиш мумкин эмас.

Диссертациянинг ҳар бир боби янги бетдан ёзилади. Бобнинг номи ёки сарлавҳалар асосий матндан кўшимча интервал билан ажралиб туриши керак. Бобнинг номидан кейин параграф номи ёзилади. Магистрлик диссертацияси компьютерда 12-шрифтда, 1,5 интервал оралиқда терилади. Бобларнинг тартиб рақами varaқнинг юқори ўнг томонига қўйилади.

- диссертация номи 16-шрифтда;
- муаллифнинг исми-фамилияси 12-шрифтда;
- малакаси 12-шрифтда;
- кафедра номи 12-шрифтда;
- даражаси 12-шрифтда ёзилади.

Магистрлик диссертациясига илмий раҳбар хулосаси:

1. Диссертация мавзусининг долзарблиги;
2. Магистрлик диссертацияси мавзусининг магистрантнинг асосий иш жойи билан боғланганлик даражаси.
3. Магистрлик диссертациясининг мақсад ва вазифалари муаллиф томонидан қай даражада ёзилганлиги.
4. Тадқиқотнинг илмий жихатдан янгилиги.
5. Ўтказилган тадқиқот натижаларининг асосланганлиги.
6. Тадқиқотчининг илмий таҳлил қила олиш қобилиятига баҳо бериш.
7. Магистрант хулосалари ва таклифларининг сифати.
8. Диссертациянинг магистрлик диссертациясига қўйиладиган талабларига мослиги акс этиши керак.

Магистрлик тадқиқотига бериладиган ташқи тақризга талаблар:

1. Диссертация мавзусининг долзарблиги.
2. Тадқиқотнинг янгилиги ва диссертация иши илмий-амалийлиги.
3. Диссертациянинг амалиёт учун аҳамияти.

4. Диссертация мазмуни ва унинг тугаллангаллиги даражаси
5. Материални баён этиш тили ва услуби.
6. Олиб борилган тадқиқотнинг илмий ва амалий қиймати.
7. Диссертациянинг магистрлик диссертациялари талабларига мослиги баён этилиши керак.

Фойдаланилган манбаларни библиографик баён этиш қуйидаги талабларда бажарилади.

Фойдаланилган адабиётларнинг библиографик рўйхати тадқиқотнинг хулоса қилишдан кейин жойлаштирилади.

Фойдаланилган адабиётларнинг рўйхати ишнинг асосий қисмларидан бири бўлиб, магистрантнинг мустақил ижодий ишлаш қобилиятини ҳамда шу орқали ўтказилган тадқиқотнинг даражасини кўрсатади.

Библиографик рўйхат магистрант томонидан бевосита кашф қилинган манбалардан ёки каталоглар ва библиографик кўрсаткичлардан адабиётларнинг рўйхатини тўлалигича, сарлавхаларини қисқартирмай олиб тузилади. Бу қайта текшириш ва тушириб қолдирилган маълумотларни киритишдан саклайди.

Диссертацияда фойдаланилмаган ҳамда асосий матнда ҳавола қилинмаган манбалар адабиётлар рўйхатига киритилмайди. Шунингдек энциклопедиялар, маълумотномалар ва илмий-оммабоп нашрлар ҳам библиографик рўйхатга киритилмайди. Хар бир манба бўйича:

- фойдаланилган адабиётнинг рўйхат бўйича тартиб рақами;
- муаллифнинг фамилияси, исми ва насаби;
- монографиянинг номи, меёрий маълумотномалар, корхонага таалукли адабиётлар, ташкилот, шахсий материаллар ва х.к.;
- нашр қилинган жойнинг номи;
- нашриёт номи;
- чоп этилган йили;
- қанча бетдан иборатлиги кўрсатилиши шарт;

Монографиядан ташқари муаллиф давлат идораларининг Қонунлар мажмуасини, фармонлари ва қарорлари тўпламлари, шунингдек, газета ва журналларнинг рақами, нашр қилинган йили, ойи, ундаги мақола номи ва муаллифини кўрсатган холда келтириши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар библиографик рўйхати қуйидаги тартибда тузилиши лозим:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси президентининг асарлари ва илмий ишлари.
3. Ўзбекистон Республикаси президентининг Фармонлари.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг қарорлари.
5. Харфлар кетма-кетлигида жойлашган махсус адабиёт.
6. Меёрий ҳужжатлар ва йўриқномалар.
7. Статистик материаллар ва статистик тўпламларнинг материаллари.
8. Диссертациялар, авторефератлар, қўлёзма фонди ва шахсий суҳбат материаллари.

Библиографик рўйхатда фойдаланилган адабиётнинг хавола қилинган манбаси тўғрисида тўлиқ маълумот-мақола, китоб ва унинг муаллифи номи, муҳаррир, нашриёт номи, нашр йили, қанча бетлилиги кўрсатилган бўлиши шарт. Бундан ташқари, зарур ўринларда материалларни фойдали бўлган шахсий архивлар, музейлар, шахсий каллекциялар рўйхати келтирилиши ҳам мумкин.

Диссертациянинг муқоваларган асл нусхаси химояга тақдим этилади. Диссертацияни Давлат Аттестация комиссиясига (ДАК) тавсия этиш тарби.

- химояга тайёр диссертация илмий раҳбарга яна бир бор кўришга берилади;
- илмий раҳбар хулосаси;
- ташқи тақриз олинади; камида бир ҳафта олдин олинади;
- 12-18 бет диссертациянинг асосий мазмуни ёритилган тавсиф ёзилади;
- кафедра мудири тасдиқлаган ҳужжатлар тайёрланади;
- қайд этилган ҳужжатлар ДАКга тақдим этилади.

Давлат Аттестация комиссияси иши қуйидагича ташкил этилади:

- ДАК 4 та имтихон комиссиядан иборат бўлади;

ДАК қуйидаги вазифаларни бажаради:

- битирувчиларнинг илмий-назарий ва амалий тайёргарлиги даражасини аниқлаш;
- чет тилида мулоқот юрита олиш кўникмалари, илмий тил билими ва касбий тайёргарлиги бўйича оғзаки ва ёзма нутқини аниқлаш;
- магистрантнинг ўзи танлаган мутахассислиги бўйича эгаллаган назарий билимлари ва амалий иш усуллари асосида муайян вазифаларни мустақил ҳал қилишга тайёрлик даражасини аниқлаш;
- танланган мутахассислиги бўйича “магистр” даражасини бериш масаласини ҳал қилиш;
- ДАК йиғилишининг давомийлиги бир кунда 6 соатдан ошмаслиги керак.

Магистрантнинг ДАК йиғилишида сўзлайдиган нутқига талаблар:

- ишнинг моҳиятини тўлиқ очиш мақсадида нутқ уч қимсдан иборат бўлиши мумкин;
- нутқнинг биринчи қисмида асосан диссертациянинг кириш қисмидаги фқрлар қайтарилади, мавзунинг долзарблиги, илмий муаммолар, шунингдек, диссертациянинг мақсади ҳақида сўзланади. Натижаларга эришишда фойдаланилган усуллар ҳам кўрсатиб ўтилиши мумкин;
- изохнинг иккинчи қисмида диссертациянинг ҳар бир боби тавсифланади;
- изохнинг хулоса қисмида баён қилинган хулоса ва тавсиялар қисқача шархланади;
- слайдлар, кино, видеоролик, схемалар, жадваллар, графика, диаграммалардан фойдаланиш мумкин;
- жавоблар қисқа, аниқ ва тўлиқ исботланган бўлиши лозим.

Диссертация очик химоясини ўтказиш тарби:

- диссертант ҳақидаги маълумотлар;
- илмий раҳбар нутқи хулосаси;
- магистрант нутқи; 15 дақиқа вақт берилади.

-презентация диссертация мавзуси бўйича кириш метфологоя, натижалар ва тавсияларни ўз ичига олади.

Магистрант нурқига талаблар:

- ўзини таништириш ва тадқиқот мавзусини эълон қилиш;
- нигохни фақар нутқ матнига қаратмаслик;
- муҳокама қилиниши зарур бандларни алоҳида варақларга ёзиб олиш;
- паузалар қилиш;
- бир маромдаги нутқдан сақланиш;
- проектордан фойдаланганда ҳар бир транспорантга ҳаддан ташқари кўп ахборот тикиштирмаслик;
- рангли принтердан фойдаланиш; катта шрифтлардан фойдаланиш;
- проектордаги материалларни муҳокама қлинаётганда бевосита экрандаги кўрсаткичдан фойдаланиш;
- ҳар бир транспорантпроекторда камида 20секунт турсин, тронспорантнинг тез алмашинуви асабни бузади;
- мантндан ҳаддан ташқари катта парқаларни ўқимаслик;
- секинроқ гапириш;
- матндаги барча рақамларни ҳарфлар билан ёзиб кўрсатиш;
- ажратиб кўрсатиладиган сўзларнинг тагига чизиш;
- жумлаларда олмошлар ўрнига кўпроқ отлардан фойдаланиш;
- оддий сўзлар ва дарак сўзлардан фойдаланиш;
- матнни қўма гаплар билан мураккаблаштириб юбормаслик;

Магистрлик диссертацияси химоясидан кейин очиқ муҳокама бўлади.

- савол-жавоблар;
- очиқ муҳокама;
- яқунловчи сўз.

Давлат Аттестация комиссияси аъзоларининг ёпиқ йиғилишида химоя якуни кўриб чиқилади ва ини баҳолаш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Семинар ва амалий машғулотлар таърифи

Семинар машғулотлар мавзуси ўтилган маъруза мавзусини чуқурроқ ўзлаштиришга қаратилган. Шунинг учун семинар учун танланган мавзулар маъруза учун ажратилган мавзуларини қайтариш мумкин. Фарқи, бирида маърузаси ўқитувчи бўлса, иккинчисида талаба шу вазифасини бажаради.

Мустақил (таълим) иш

Мустақил иш талабларнинг соҳаси бўйича ижодкорлигини ривожлантириш ўқитувчининг вазифаси шу ишни босқичма-босқич амалга оширишга, билимнинг кенгайишига кўмаклашиш. Шунинг учун талабаларга таълим йўналишининг соҳаси бўйича қилиниши керак бўлган ишлар, ўрганиш зарур бўлган адабиётлар кўрсатилади, маслаҳатлар бериб борилади. мавзуси юзасидан мустақил иш бўйича мавзуни кутубхоналарда

ўрганиш, музей ва экспозиция ва зиҳиралари экспозициялари билан мустақил танишиб рефератлар тайёрлаш, альбом ва CD дисклар яратишга йўлланмалар бериш ва амалга оширишга имкон яратиш керак. Санъат жараёнларини ўрганишда интернет материалларидан фойдаланиб ахборотлар тайёрлаш ҳам талабаларда шу соҳани чуқур ўзлаштиришга ёрдам беради. Энг иқтидорли талабалар билан ишлаганда, айниқса таълимнинг шу мустақил иш соатлари кўл келади. Талабанинг мустақил иш борасида ўзлаштирилган билим даражаси оралиқ ва якуний назорат рейтинг балларида эътиборга олинади.

Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълимнинг турли хил шакллари мавжуд бўлиб, талаба ўқитувчи раҳбарлигида янги билимларни, ўқув ва кўникмаларни ўзлаштириш, ижодий фаолиятни амалга ошириш мақсадида маслаҳатлар олади. Ушбу шаклларга қуйидагилар тегишлидир:

Дарслик ёки ўқув қўлланмалар бўйича фанлар боблари ва мавзуларини ўрганиш; тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш, музей, галерея ва кўргазма залларида тадқиқодлар олиб бориш; махсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича фанлар бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш

Мустақил иш бажариладиган мавзулар бўйича саволномалар тузиш, саволларга фойдаланишга тавсия этилган адабиётлардан фойдаланган ҳолда ёзма тарзда жавоб бериш, қонун, қарор, меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиш, ҳар бир мавзу бўйича муаммоли масалаларни ҳал қилиш йўллари баён қилиш, тавсиялар бериш ва бошқалар.

Мустақил ишларни ташкил этишнинг мазмуни: талабалар мустақил ишлари мавзулари келгусида бажариладиган курс ишлари ва битирув малакавий ишлари мавзулари билан узвийликда бажарилади.

Дастурнинг информацион-услубий таъминоти

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий (хусусан, интерфаол) методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация (медиаълим, амалий дастур пакетлари, презентацион, электрон-дидактик) технологиялари қўлланилиши назарда тутилган. Амалиёт натижалари асосида фанини пухта эгаллаши масалалари унинг назарий ва амалий билимлари мустаҳкамлайди.

Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалари рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари:
 - Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида. Тошкент, 1999, 26 март.
 - Ўзбекистон Бадиий академиясини ташкил этиш тўғрисида. Тошкент, 1997, 23 январь.
 - Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида. Тошкент, 1997, 9 январь.
 - Маънавий ва маърифат жамоатчилиқ маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида. Тошкент, 1996, 9 сентябрь.
- Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:
 - “Ўзбеккино” Миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида. Тошкент, 2004, 17 март.
 - Журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида. Тошкент, 1999, 26 февраль.
 - Оммавий ахборот воситалари соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Давлат дастури тўғрисида. Тошкент 2006, 7 август, № 163.
3. Каримов И. А. Миллий мафкура – мамлакат келажаги пойдевори. (Ўзбекистон Президентининг Оқсарой қароргоҳида миллий мафкура масалаларига бағишланган йиғилишадиги нутқи) // Театр, 2000, 2 сон. 2 – 3 бетлар.
4. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёти йўли. Халқ сўзи, 2007, 31 август, 2 – 3 бетлар № 173 (4326).
5. Каримов И. А. Родина священна для каждого – Т.: Ўзбекистон, 1995.
6. Каримов И. А. Сплоченность народа – решающая сила против терроризма. – Т.: Янги аср авлоди, 2004.
7. Каримов И. А. Наш главная цель – демократизация и обновления общества, реформирование и модернизация страны. – Т.: Ўзбекистон, 2005.
8. Миллий истиқлол ғояси: Асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
9. Олий таълим: Меъёрий ва услубий ҳужжатлар тўпламаси. – Т.: Истиқлол, 2004.
10. Аристотель. Поэтика. – Т.: Янги аср авлоди, 2004.
11. Каган М. С. Морфология искусства. – Л., 1972.
12. Ўзбекистон ОАК бюлитени. Т. 2000-2009 йиллар

13. Магистрлик диссертациясини ёзиш, расмийлаштириш ва химоя қилишга тайёрлаш бўйича услубий қўлланмалар. Т. “Молия” 1999
14. Филосовские проблемқ методологии науки. Т. 1979.
15. Альтшуллер Г.С. Творчество как точная наука. М. 1979
16. Костюк В.Н. Методология научного исследования. Киев-Одесса. 1976.
17. Методологические проблемы современного искусствознания. М. 1986
18. Рузавин Г.И. Методы научного исследования. М. 1974.
19. Янбухтина А.Г. К вопросу методологии изучения и анализа народного творчества. В сб “Советское искусствознание-1979”, М. 1979.
20. Т.Махмудов Эстетика и духовные ценности. Т. 1992.